

**ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ҲОРИЖИЙ ТАЖРИБАНИНГ ЎРНИ****Раҳимов Сарварбек Абдумуталлибжонович***Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти**Қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультети катта ўқитувчиси**sarvarbekabdumutallibjonovich@gmail.com, +998-88-701-51-61***ORCID: 0000-0002-3158-4841**

Халқаро майдондаги тобора кескинлашиб бораётган сиёсий инқироз фониди халқаро муносабатлар актёрларининг³⁶ кейинги ҳаракатларини олдиндан кўра билиш имконияти камайиб бормоқда. Бунга халқаро амалиётда сиёсий қарорларни қабул қилинишида асосий роль ўйнайдиган “Бешинчи ҳокимият” вакилларининг ҳукумат даражасида етарлича қўллаб-қувватланмаслиги ва имкониятлари чегараланиши сабаб бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида “ақл марказлари” фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича сиёсий ирода кўрсатилаётган бўлсада, таҳлиллар ахборот-таҳлилий фаолиятнинг етарлича ривожланмаётганлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирда республикада 15 та таҳлилий марказлар ва олий ўқув юртлари қошида 14 та илмий-тадқиқот марказлари фаолияти йўлга қўйилган³⁷. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, “Стратегик ривожланиш” маркази, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази каби мамлакат ижтимоий-сиёсий жараёнларига оид таҳлилий ҳужжатлар тайёрлаш билан шуғулланувчи таҳлилий ташкилотлар шулар жумласидандир.

Мазкур ташкилотлар томонидан мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳарбий каби йўналишлардаги хавфсизлигини таъминлаш йўналишида таҳлилий ишлар олиб борилиб, юқори даражадаги қарор қабул қилувчи шахслар учун маълумотлар тайёрланиб келинмоқда. Лекин, уларнинг ҳеч бири дунёнинг 175 энг кучли таҳлил марказлари қаторига киритилмаган. Бундан ташқари, Марказий Осиёнинг энг кучли таҳлил марказлари қаторида Иқтисодий тадқиқотлар марказининг 10-ўринни қўлга киритганлиги соҳага оид муаммоларни бартараф этиш орқали уни такомиллаштириш лозимлигини тақазо этиши табиий³⁸.

³⁶ **Халқаро муносабатлар актёрлари** – халқаро муносабатларни юзага келтирувчи субъектлар бўлиб, уларга давлатлар, халқаро ташкилотлар, нодавлат ташкилотлар ва кўп миллатли ташкилотлар киради.

³⁷ <https://yuz.uz/news/mamlakatimizdagi-aql-markazlarini-bilasizmi>

³⁸ McGann, James G. 2020 Global Go To Think Tank Index Report // available at: <https://repository.upenn.edu/handle/20.500.14332/48577>

Тадқиқотларга кўра, ақлий марказларнинг барчаси у ёки бу давлат муассасалари бўйсунувида эканлиги уларни халқаро даражада ривожлантиришдаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Сабаби, уларнинг барчаси қарорлар қабул қилиш, молиявий ҳаражатлар тақсимоти, шунингдек, фаолият юритиш йўналишлари бўйича юқори турувчи ташкилотнинг топшириқларини бажаришга мажбур. Натижада, тайёрланган таҳлилий маълумотларга қўйилган цензура талаблари уларнинг холисоналиги даражасини пасайтиради.

Халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда мамлакатда давлат муассасаларига қарам бўлмаган ақлий марказлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масаланинг ечими сифатида кўринсада, мамлакатда шаклланган ахборот билан ишлаш тартиби ва кадрлар етишмаслиги каби муаммолар ушбу ғояни амалга ошириш имкониятини чеклайди.

Жумладан, ахборот-таҳлилий фаолиятнинг асосий “озуқаси” бу маълумот бўлиб, унинг ишончилиги тайёрланаётган таҳлилий ҳужжатнинг сифатига жиддий таъсир ўтказади. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонунига кўра фан, техника, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳасига доир маълумотлар давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ҳолларда хизмат сири³⁹ ҳисобланади. Бу эса, ҳусусий ақлий марказлар томонидан фақатгина очиқ маълумотлар базаси билан иш ташкил этиш мажбуриятини юклайди.

Шунингдек, республикадаги олий таълим муассасалари орасида айнан ахборот-таҳлилий фаолият йўналишида кадрларни тайёрлашга ихтисосланганлари мавжуд эмас. Бундан ташқари, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, ҳуқуқий соҳаларда айнан бир таълим муассасида кадр тайёрланмаганлиги сабабли тадқиқотларни амалга оширилишида муаммонинг тўлиқ ўрганилмаслиги ҳолатлари юзага келади.

Сўнги йилларда давлат ташкилотларида ахборот-таҳлилий фаолият тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар юқоридаги фикрларнинг исботи ҳисобланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Давлат органларининг эксперт-таҳлил фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3628-сон қарори билан давлат органларида ахборот-таҳлилий фаолиятни амалга ошириш учун эксперт-таҳлил гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди⁴⁰.

Лекин, 2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон фармони билан самарали фаолият юритувчи бошқарув тизимини шакллантириш бўйича кенг кўламли амалга оширилган маъмурий ислохотлар натижасида мустақил фаолият юритувчи республика ижро

³⁹ <https://lex.uz/docs/98850>

⁴⁰ <https://lex.uz/docs/3604732>

этувчи ҳокимият органларининг сонини 61 тадан 28 тагача, шу жумладан вазирликлар сонини 25 тадан 21 тагача қисқартирилиши давлат ташкилотлари ва органларида йўлга қўйилган таҳлилий тузилмалар самарадорлигига салбий таъсир ўтказди⁴¹.

Хусусан, ушбу ташкилотлардаги таҳлилчилар лавозимлари ташкилий-штат тузилмалари киритилган ўзгартиришлар давомида қисқартирилди ҳамда вазирлик ва идоралар фаолиятининг бирлаштирилиши соҳага оид таҳлилий маълумотлар сифатини пасайишига олиб келди.

Мазкур ислохотларнинг Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг муҳим шarti ҳисобланганлиги сабабли бугунги кунда давлат ташкилотларида таҳлилий тузилмалар фаолиятини такомиллаштиришнинг мақбул шартларини жорий этиш долзарб масала ҳисобланади.

Шу сабабли, давлат ташкилотлари ҳузуридаги ақлий марказлар фаолиятини такомиллаштиришда АҚШ, Хитой ва Германия каби Европа давлатлари тажрибасини кенг ўрганиш орқали кадрлар самарадорлигини ошириш муқобил ечим ҳисобланади.

Ушбу ривожланган давлатларнинг соҳага оид йиллар давомида орттирилган тажрибасининг қуйидаги асосий хусусиятларини санаб ўтиш ўринли.

Биринчидан, ушбу давлатларда таҳлилчи кадрларни тайёрлашда олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик кенг йўлга қўйилган.

Масалан, АҚШда олий таълим муассасалари разведка, киберхавфсизлик, хусусий ва бошқа соҳаларда таҳлилчи кадрларни тайёрлаб бериш билан шуғулланади. Хусусан, Қўшма штатлардаги 1000 га яқин университетда сиёсатшунослар ва таҳлилчилар тайёрланади⁴². Шунингдек, унинг тажрибаси таҳлилчиларни тайёрлашда ҳақиқий сценарийлар, симуляциялар ва реал ҳаёт муаммолари асосида амалий тадқиқотлар ўтказилиши билан бошқалардан ажралиб туради.

Иккинчидан, ўрганилаётган муаммонинг тор доирага мансуб эканлигини инобатга олган ҳолда, тадқиқот жараёнларига мутахассисларни жалб этиш амалиёти мавжуд.

Германия халқаро ва хавфсизлик масалалари институти (SWP) ҳукумат учун ташқи сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳат берувчи ақлий марказ бўлиб, уни Бундестаг томонидан тасдиқланган грант асосида молиялаштирилади ва кадрлар сиёсати 200 га яқин доимий ходимлардан ташқари вақтинчалик ташриф буюрадиган тадқиқотчилар асосида юритилади. Шунингдек, институт кадрларнинг рекрутация жараёнларига фақатгина магистратура босқичида таҳсил олаётган амалиётчиларни жалб қилинади⁴³.

⁴¹ <https://lex.uz/docs/6324756>

⁴² <https://www.topuniversities.com/university-rankings/world-university-rankings/2024>

⁴³ <https://www.swp-berlin.org/>

Учинчидан, кадрларни саралашда амалий ва тажрибавий кўникмаларга қўйилган алоҳида талаблар мавжуд.

Буюк Британия тажрибасига аҳамият қаратадиган бўлсак, ушбу давлатда таҳлилчи кадрларни иш билан таъминлашда уларнинг юқори таҳлилий қобилияти, прогнозларни белгилай олиш ва тафсилотларни тушунтира олиш, ёзиш ва тақдимот қила билиш каби **hard skills** ҳамда инсонлар билан мулоқотга кириша олиш, жамоага тез мослашиш, муаммоларни ҳал этишда мантиқий ёндашув, ташаббускорлик ва ўзига нисбатан ишонч каби **soft skills** қобилиятлар талаб этилади⁴⁴.

Тўртинчидан, таҳлилий фаолият билан шуғулланаётган кадрлардан давлат аҳамиятига молик қарорларни қабул қилувчи лавозимларга захира шакллантириш йўлга қўйилган.

Хусусан, Хитой Халқ Республикаси Коммунистик партиясига Си Цзиньпин раҳбарликка келиши билан қабул қилинган “Хитой ўзига хос хусусиятлари” билан таҳлилий марказларни яратиш бўйича тузилган махсус режанинг асл моҳиятида таҳлилчи кадрлардан давлат бошқарувида фойдаланиш ётади⁴⁵.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, миллий таҳлилий тизимни яратишнинг муҳим шарти дастлабки ўрнида таҳлилчи кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш ҳисобланади. Бунинг учун юқорида келтирилган илғор тажрибалардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

⁴⁴ <https://unimind.com.ua/homepage1/blog1/populyarnye-spetsialnosti-analitik-dannykh-data-analyst-ili-biznes-analitik-business-analyst-v-chem-raznitsa>

⁴⁵ Xufeng Zhu. The rise of think tanks in China. 2013. <https://www.routledge.com/The-Rise-of-Think-Tanks-in-China/Zhu/p/book/9781138954694>